



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
29-iyul
chorshanba
№ 30 (1508)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan www.uzhurriyat.uz hurriyatuz@mail.ru t.me/hurriyatuz Hurriyat gazetasi

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ТАН ОЛИНГАН ТАШАББУС

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришида парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияни қабул қилди.

БМТга аъзо 61 та давлат мазкур резолюцияга ҳаммуаллиф бўлди ва улар дунёнинг барча минтақаларини қамраб олган. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий кун тартибини илгари суриш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар ролини мустаҳкамлашга оид ташаббуси халқаро майдонда кенг қўллаб-қувватланаётганини ифода этади.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Улуғбек Лапасов мазкур ташаббус Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизнинг глобал ижтимоий тараққиёт кун тартибини илгари суриш ҳамда халқаро ҳамкорлигининг парламент ўлчовини мустаҳкамлашга қўшган амалий ҳиссаси сифатида тақдир этилганини таъкидлади. Резолюцияда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини кучайтириш, камбағалликни қисқартириш, муносиб меҳ-



натни таъминлаш, сифатли таълимдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий интеграцияни рағбатлантиришдаги ҳал қилувчи ўрни алоҳида эътироф этилган. Хужжатда хотин-қизлар ва ёшларнинг парламент фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлида рақамли трансформация имкониятларидан самарали фойдаланиш, халқаро ҳам-

корликни кучайтириш ҳамда ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, Тошкентда Парламентлараро иттифоқнинг 150-Ассамблеяси муваффақиятли ўтказилган ва ижтимоий тараққиёт ҳамда адолат манфаатларида парламентлар ҳаракати оид Тошкент декларацияси қабул қилингани юқори баҳоланган.

Резолюцияда БМТга аъзо давлатлар парламентларни 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартибини амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнига, жумладан, иккитарафли миллий ҳисоботларни тайёрлашга, миллий мажбуриятлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга ҳамда фуқаролик жамияти билан ҳамкорликни кенгайтиришга фаолроқ жалб этишга қақилган.

Бундан ташқари, ҳужжатда парламент аъзоларининг БМТнинг йирик анжуманларидаги иштирокини кенгайтириш ҳамда ижтимоий тараққиёт соҳасида эришилаётган натижаларни баҳолаш самарадорлигини ошириш мақсадида миллий статистика тизимларини такомиллаштириш тавсия этилган.

Мазкур резолюциянинг қабул қилинишига Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси томонидан олиб борилган кенг қўллаб-қувватлаш дипломатик саъй-ҳаракатлар замин яратди. Музокаралар жараёнида қатор расмий маслаҳатлашувлар ва икки томонлама учрашувлар ўтказилиб, БМТ ҳужжатларининг универсаллик тамойилларига ҳамда барча аъзо давлатлар манфаатларига жавоб берадиган мувозаанатли матн ишлаб чиқилди.

Резолюциянинг қабул қилиниши давлатимиз раҳбари ташаббуслари халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётганини, мамлакатимизнинг глобал ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни таъминлашдаги фаол ролини яна бир бор ифодалади.

Дунё» АА,
Нью-Йорк шаҳри

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

“АТИРГУЛ – 2026” РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан журналист аёллар ўртасида “Атиргул – 2026” республика кўрик-танловини эълон қилди.



Мазкур танлов оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий ютуқларини эътироф этиш ҳамда жамиятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, танлов орқали оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олиш, “Янги Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва давлат дастурларида белгиланган устувор вазифаларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга қаратилган ижодий ишлар рағбатлантирилади.

4-6

ТАЪЛИМ

Замонавий дунёда технологик тараққиёт ва инновациялар ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудратини белгилаб берувчи асосий кучга айланди. Бу глобал пойгада юқори малакали, ўзи яшаётган реал дунёдан бир қадам олдинда юрадиган, креатив фикрлайдиган муҳандис кадрларни тайёрлаш тизими, хусусан, техникавий олий таълим муассасаларининг ўрни бекиёсдир. Зеро, муҳандислик соҳаси олимлари халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун энг сўнгги техника ва технологияларни яратиб беришга қодир бўлган қатламдир. Шунинг учун ҳам техника университетларида тайёрланаётган кадрларнинг бугунги кун эмас, балки келажак билан яшайдиган мутахассислар бўлиб етишишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мамлакатимиздаги олий таълим ислохотлари айнан шу мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда.



АКАДЕМИК НУФУЗ ВА СИФАТ БЕЛГИСИ


Тошкент давлат техника университетининг халқаро рейтинглардаги муваффақияти формуласи

Бугун нуфузли халқаро рейтингларда жаҳоннинг “TOP-1000” талигидан жой олган мамлакатимиздаги етакчи университетлар нафақат юксак таълим сифати, балки илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг олий намунаси ҳамда Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар маҳсули ҳисобланади. Бундан 8-9 йил аввал маълум бир “TOP-1000” талик рейтинглардан ўрин олиш уёқда турсин, 500 ва 1000 таликларни ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтира олмас эдик. Шунинг учун ҳам бу ютуқларимизга, биринчи навбатда, олий таълим ислохотларининг маҳсули сифатида қараймиз. Мамлакатимизда кейинги тўққиз йил ичида олий таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, таълим сифати ва илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўллаб-қувватлаш натижаси бугунги кунда ўзининг

амалий самарасини бера бошлади. Халқаро стандартларга мос таълим тизимини шакллантириш, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш, хорижий етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун замонавий имкониятлар яратиш мамлакатимиз олий таълим сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугунги глобал рақобат шароитида университетларнинг халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаши нафақат таълим муассасасининг, балки бутун мамлакатнинг илмий, интеллектуал салоҳияти ва халқаро майдондаги нуфузини намоён этади. Шу боис, жаҳоннинг энг нуфузли рейтингларида юқори натижаларга эришиш ҳар бир олий таълим муассасаси олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

2-6

БУНЁДКОРЛИК



Умрида бир марта бўлса-да, пойтахтни Фарғона vodiysining сўлими гўшалари билан боғловчи Қамчиқ довонидаги йўлдан ўтган киши беихтиёр бу гоёт фусункор худуднинг шайдоси бўлиб қолиши ҳақиқат. Чунки виқорли тоғларни кесиб ўтган бу йўлнинг икки ёнидаги бетакдор манзаралар йилнинг барча фаслида ҳам кишини ўзига мафтун этади. Айниқса, жазирама ёз пайтида бу ерда бўлсангиз, тоғ ёнбағридаги ям-яшил табиат кўйида бир муддат дам олиб, муздек муссаффо ҳаводан нафас олсангиз, атрофдаги қўрқам манзаралардан баҳраманд бўлсангиз, узоқ вақт руҳингиз тетик бўлиб юриши аниқ. Ҳар икки томонда ҳам енгил автомобилларнинг 4 қатор бўлиб, хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур имкониятлар яратилди. Бундан 10 йиллар муқаддам кишининг ёгин-сочинли вақтида мазкур худуддан ўтиш қатор муаммоларни келтириб чиқарар эди. Айниқса, қалин қор ёғиб, музламалар юз берган давларда йўллар маълум муддатга ёпиб қўйиларди. Ана шундай изгиринли ҳавода йўловчиларнинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг. Шунинг ҳисобига олиб, давлатимиз томонидан Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлини қуриш, ушбу худуд орқали поездлар қатновини ташкил этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди ва мазкур йирик лойиҳа 3 йил ичида ҳаётга татбиқ этилди. Эндиликда асрий тоғлар бағрини ёриб ўтиб, пойтахтдан Фарғона vodiysi вилоятларига қатнаётган замонавий поездлар минглаб йўловчиларни йилнинг барча фаслларида бирдек қулай ва хавфсиз шароитларда ўз манзилларига бехатар етказиб қўймоқда. Шу билан бирга, юртимизга таширф бюрган кўп сонли хорижлик сайёҳлар ҳам бундай қулайликлардан баҳраманд бўлиб, худуднинг сўлими манзараларидан завқланишмоқда.

3-6

ЯНГИ КИТОБ

Хайридин СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҲАЁТ ВА ВАТАН ҚАДРИНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

Ҳикмат ва фазилатга тўла, эл-юртга манфаат берадиган яхши китобнинг дунёга келиши маърифатли жамият учун катта воқеа, зиё аҳли учун эса чинакам байрамдир. Ёш истеъдодли шоир Шахриёр Шавкатнинг яқинда “Саҳроф” нашриётида чоп этилган “Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!” асари китобхонлар учун ана шундай қувончли воқеа бўлди. Ушбу китоб, аввало, юртимизда муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган очиқлик ва эркинлик сиёсатининг, маданият ва адабиёт аҳлига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижаси сифатида дунёга келганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу маънода, бу китобнинг илк ўқувчиларидан бири ҳам айнан давлатимиз раҳбари бўлгани, асар муаллифи Шахриёр Шавкат ижодий ва ижтимоий фаоллиги учун “Келажак бунёдкори” деган нуфузли мукофот билан тақдирлангани албатта бежиз эмас. Одатда, ёш қаламкашларнинг янги китоби тўғрисида сўз борганда, муаллифнинг таржимаи ҳоли, унинг қандай ижодкор экани ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бироқ Шахриёр Шавкатни ортиқча таъриф-тавсиф қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. У илк шеърлари, мазмундор публицистикаси билан адабиёт майдонига дадил кириб келган, шаклланиб улгурган, ўз сўзи, фикри, қаламига эга ижодкордир. Муаллифнинг “маърифий қисса” деб аташга арзийдиган ушбу китоби унинг истеъдодли қаламкашига эмас, балки Шахс бўлишга интилаётган жасоратли инсон эканини ҳам исботлади. Етуқ шахс бўлиб камол топиш — айтишга осон, лекин амалда бажариш нихоятда мушкул бир вазифа. Бунинг учун одам қандай қийин, машаққатли синовлардан ўтиши, ҳаётнинг паст-баланд, баъзан гоёт хатарли йўлларида иродаси, иймон-эътиқоди ва асл қиёфасини намоён этишга қодир бўлмоғи керак.

8-6

АКАДЕМИК НУФУЗ ВА СИФАТ БЕЛГИСИ

Тошкент давлат техника университетининг халқаро рейтинглардаги муваффақияти формуласи

1-6

Зеро, миллий таълим тизими ва ҳукумат томонидан олий таълим муассасалари олдига қўйилган устувор мақсад ва вазифаларни яхши биламиз. Демак, ҳар бир олий таълим муассасаси ана шу устувор мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиши керак.

Бўлар:

Глобал рақобатбардошликни ошириш: 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та ОТМни нуфузли халқаро рейтингларнинг ("QS", "THE") биринчи 1000 талигига, шундан 2 та ОТМни "TOP-500" талик рўйхатига киришти;

Илмий салоҳиятни кучайтириш: профессор-ўқитувчиларнинг "Scopus" ва "Web of Science" каби халқаро базалардаги мақолалари сонини ҳамда иқтисодлик кўрсаткичларини ошириш;

Таълим ва иқтисодиёт интеграцияси: БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ("BRM") мувофиқ равижда яшил иқтисодиёт, гендер тенглиги, тоза энергия ва сифатли таълим тизимини муассасаларда тўлиқ жорий этиш;

Интернационаллаштириш: хорижлик талабалар ва чет эллик малакали педагог-олимлар улушини кўпайтириш орқали олийгоҳларнинг халқаро нуфузини ошириш.

Мамлакатимиздаги ҳар бир олий ўқув юртининг халқаро миқёсда тан олинган рейтинглардан ўрин олишини миллат қувончи, миллат ёшларининг келажақдаги бахти сифатида эътироф этишимиз керак, деб биламан. Чунки бундай ютуқлар нафақат университет жамоаси, балки мамлакатимиз олий таълим тизими учун ҳам муҳим тарихий қадамдир. Зеро, халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш университетнинг илмий мақолалари, инновацион лойиҳалари, таълим сифати, академик обрўси ва битирувчиларнинг меҳнат бозоридagi рақобатбардошлиги каби кўплаб мезонлар бўйича эришилган юқори натижаларнинг амалий ифодасидир.

Тошкент давлат техника университетиде кейинги йилларда амалга оширилган тизимли ишхотлар, таълим сифати, илмий муҳит ва халқаро ҳамкорлик йўналишида олиб борилаётган фаолиятнинг жаҳон экспертлари томонидан юқори баҳоланаётгани бизни қувонтиради ҳамда янги марралар, зафарлар сари етаклайди.

Техника университетининг халқаро рейтингларда ўз ўрнини мустаҳкамлаб, жаҳон миқёсда тан олинаётган етакчи олий таълим муассасалари қаторига кириб бораётгани биз учун қувончлидир. Бу натижа университет жамоасининг кўп йиллик меҳнати, илмий изланишлари, таълим сифатини юксалтириш борасида амалга оширган кенг қамровли ишлари ҳамда халқаро ҳамкорлики мустаҳкамлаш йўлидаги саёй-ҳаракатларининг муносиб эътирофидир.

Университетнинг 2024-2025 йиллардаги илмий фаолияти натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда нашр фаоллиги, илмий салоҳият ва грантлар ҳажми барқарор ўсиб бормоқда.

Аввало, республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар сонига тўхталадиган бўлсак, 2024 йилда университет олимлари томонидан 667 та мақола нашр қилинган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 817 тага етди. 2026 йил учун эса мазкур индикатор бўйича 820 та мақола нашр қилиш режалаштирилган.

Халқаро илмий базалар, хусусан, "Scopus" маълумотлар базасига кирувчи мақолалар сонига ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2024 йилда 634 та мақола нашр этилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 689 тага етди. 2026 йил учун эса 700 та мақола нашр этиш мақсад қилинган. Умуман олганда, охириги уч йиллик даврда университетнинг илмий нашрлар ҳажми қарийб 200 фоизга ўсганини кураимиз.

Маълумки, университетнинг халқаро рейтинглардаги ўрни бевосита профессор-ўқитув-

чиларнинг илмий фаоллиги, мақолалар сони ва уларнинг иқтибосланиш даражасига боғлиқ. 2025 йилда университет профессор-ўқитувчилари томонидан "Scopus" базасида жами 689 та илмий мақола чоп этилди. Улардан 154 таси "Q1", 55 таси "Q2", 106 таси "Q3" ва 374 таси "Q4" журналларига тўғри келади. Шунингдек, "Web of Science" базасида 263 та юқори импакт-факторга эга мақола нашр этилди. Мазкур илмий ишларга 2025 йил давомида "Scopus" ва "Web of Science" базаларида 12 500 тадан ортиқ иқтибос қайд этилди.

Илмий салоҳиятни баҳоловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган Хирш индекси бўйича ҳам ижобий динамика кузатишмоқда. Ҳозирги кунда h-индекси ≥ 5 бўлган профессор-ўқитувчилар сони 102 нафарни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 7 нафарга ошди. 2026 йилда ушбу кўрсаткични 115 нафарга етказиш режалаштирилган.

Инновацион фаолиятга тўхталадиган бўлсак, университет профессор-ўқитувчилари томонидан қилинган иштиролар ва фойдали моделлар асосида 2025 йилда жами 40 та патент олинган бўлиб, бу 2024 йилга нисбатан 12 тага кўпдир. 2026 йил учун мазкур индикатор бўйича 25 та патент олиш режалаштирилган. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон базалар ва муаллифлик ҳуқуқи билан химоя қилинадиган материаллар бўйича 2025 йилда жами 165 та гувоҳнома олинди, бу 2024 йилга нисбатан 27 тага кўп. 2026 йил учун эса 110 та гувоҳнома олиш мақсад қилинган.

Кадрлар салоҳияти ва диссертация химоялари масаласида охириги икки йиллик таҳлил шуни кўрсатадики, университетда илмий даража олган кадрларнинг кўнимсизлиги юқорилгича қолмоқда. Жумладан, 2025 йилда 43 нафар "PhD" ва 13 нафар "DSc" илмий даражасини олиб, университетда фаолиятини давом эттирган бўлса, айни пайтда 48 нафар "PhD" ва 11 нафар "DSc" илмий даражасига эга кадрлар ўз фаолиятини бошқа ташкилотлар ва ОТМларда давом эттиришмоқда. Шу билан бирга, университет контингенти қисқариши ҳисобига илмий салоҳият улуши 2024 йилдаги 51,3 фоиздан 2025 йилда 55,15 фоизгача ошди.

Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини молиялаштириш масаласида ҳам сезиларли

ганда, Тошкент давлат техника университетида сўнгги йилларда илмий фаолият, халқаро нашрлар, инновация ва грантлар бўйича барқарор ўсиш таъминланиб келинмоқда.

Университет сўнгги йилларда халқаро рейтингларда ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб, жаҳон миқёсда тан олинаётган етакчи олий таълим муассасалари қаторига кириб бормоқда.

Аввало, "Quasquarelli Symonds" ("QS") агентлиги томонидан эълон қилинган "QS World University Rankings 2026" натижаларига тўхталиб ўтаман. Ушбу рейтингда университетимиз 901-950-ўринни эгаллаб, Ўзбекистонда "TOP-1000" таликка кирган 3 та университетдан бири бўлди. Айниқса, университетимизнинг "академик обрў" кўрсаткичи бўйича жаҳонда 701, "барқарорлик" кўрсаткичи бўйича 540-ўринни эгаллагани алоҳида эътиборга лойиқ. Шунингдек, "халқаро илмий ҳамкорлик тармоғи" кўрсаткичи бўйича университетимиз Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида 2-ўринни қайд этди.

"QS Asia University Rankings 2026" натижаларига кўра эса университет Осиё университети орасида "TOP 301"-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич Марказий Осиё миқёсда "TOP 18", Ўзбекистон бўйича эса "TOP 4" натижа ҳисобланади. Қиёс учун айтиб ўтиш жоизки, ўтган йили университетимиз ушбу рейтингда "TOP 362"-ўринда бўлган эди, яъни йил давомида сезиларли ўсишга эришилди.

"Times Higher Education (THE) World University Rankings 2026" рейтингларида университетимиз илк бор иштирок этиб, 1001-1200-ўринни эгаллади. Ушбу рейтингда Ўзбекистондан 60 дан ортиқ олий таълим муассасаси қатнашган бўлиб, ТошДТУ республика бўйича 2-ўринни эгаллади.

Шунингдек, "THE Interdisciplinary Science Rankings 2025" натижаларига кўра, университет илк бор "TOP 301-350"-ўринга муносиб деб топилди. Мазкур рейтинг фанлараро тадқиқотлар самарадорлигини баҳолайди. Унда 96 давлатдан 911 та университет иштирок этган бўлиб, Ўзбекистондан қатнашган 19 та университетдан фақат 3 таси рейтингга киритилди.

"THE Impact Rankings 2025" натижаларига мувофиқ, ТошДТУ 2318 та университет орасида "TOP 801-1000"-ўринни эгаллади. Бу ре-



ўсиш кузатилди. 2025 йилда давлат грантлари асосида амалга оширилган илмий тадқиқотлар бўйича 37 та шартнома бажарилиб, университет ҳисоб-рақамига жами 30,02 млрд сўм маблағ тушди. Бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошган. Шунингдек, соҳалар буюртмаси асосида бажарилган 67 та шартнома доирасида 2025 йилда 2,64 млрд сўм маблағ тушди. 2026 йилда барча кўрсаткичларни ва йўналишлар бўйича молиялаштиришни бир баробарга ошириш режалаштирилган.

Ушбу кўрсаткичлардан хулоса қилиб айт-

тинг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ("SDG") асосида баҳоланади. Университет, айниқса, қуйдаги "SDG" йўналишларида юқори натижаларни қайд этди:

"SDG 7" ("Affordable and Clean Energy") бўйича "TOP 101-200";

"SDG 13" ("Climate Action"), "SDG 14" ("Life Below Water") ва "SDG 15" ("Life on Land") бўйича "TOP 201-300";

"SDG 6" ("Clean Water and Sanitation") бўйича "TOP 401-600";

"SDG 5" ("Gender Equality") бўйича "TOP 601-800".



Бундан ташқари, "QS Stars" халқаро баҳолаш тизимида Тошкент давлат техника университети илк бор иштирок этиб, 1000 баллдан 696 балл тўплади ва 4 юлдузли университет мақомига эга бўлди. Таълим сифати ва битирувчилар бандлиги йўналишларида 5 юлдуз, илмий фаолият, халқаро ҳамкорлик, атроф-муҳитга таъсир, бошқарув ва инфратузилма йўналишларида 4 юлдуз билан баҳоланди.

Экологик барқарорлик бўйича "UI GreenMetric World University Ranking 2025" рейтингда университет "TOP 505"-ўринни эгаллади.

Шунингдек, "THE World University Rankings by Subject 2026" доирасида университет икки фан йўналиши бўйича халқаро рейтингга кирди:

"Physical Sciences" йўналишида 501-600-ўрин (Ўзбекистонда 2-ўрин), илмий сифат кўрсаткичи — 86,0 балл;

"Engineering" йўналишида 801-1000-ўрин (Ўзбекистонда 2-ўрин), илмий сифат кўрсаткичи — 78,5 баллни ташкил этди.

Келтирилган аниқ мисоллардан кўриниб турганидек, ТошДТУда илмий-тадқиқот ишларига қатта эътибор қаратилган ва мазкур соҳани янги босқичга олиб чиқиш учун етарли илмий салоҳият ва моддий базага эгамиз.

Университетда илмий тадқиқотлар билан бир қаторда таълим сифати, илмий салоҳият, халқаро ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш масалалари ҳам ҳамоҳанг ривожланиб бормоқда.

Университет фаолиятини ривожлантириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида барча ўқув аудиториялари, маъруза хоналари ҳамда илмий ва ўқув лабораториялари тўлиқ модернизация қилинди. Улар замонавий лаборатория асбоб-ускуналари, электрон доскалар билан жиҳозланган. Лабораториялар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун методик йўриқномалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Таълим жараёни тубдан трансформация қилинди: кредит-модуль тизими, замонавий педагогик технологиялар, виртуал лабораториялар, "VR/AR" технологиялари, робототехника ва сўнгий интеллектга асосланган интерактив платформалар жорий этилди. Университетда дуал таълим тизими йўлга қўйилиши натижасида талабалар аудиторияда олган назарий билимларини ишлаб чиқариш корхоналарида мустаҳкамлайди. Барча факультетларнинг мутахассислик кафедралари ишлаб чиқариш корхоналарида ўз филиалларини ташкил этган.

Университетнинг халқаро майдондаги нуфузи ва мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Бугунги кунда кўплаб технологик ривожланган индустриал мамлакатларнинг университетлари

ва илмий-тадқиқот марказлари билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Академик мобиллик дастурлари доирасида 152 нафар хорижий талабанинг Тошкент давлат техника университетиде таҳсил олаётгани университетнинг халқаро таълим маконидagi нуфузи ва жозибадорлиги тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, 52 та хорижий университет ва халқаро ташкилотлардан профессор-ўқитувчиларнинг таълим жараёнига жалб этилиши илгор хорижий тажриба, замонавий таълим технологиялари ва инновацион педагогик ёндашувларни ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш имконини яратмоқда.

Халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида қўшма ва икки дипломли таълим дастурлари сонини ошириш, академик мобиллик қўламини кенгайтириш ҳамда дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари билан стратегик ҳамкорлиқни ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Жумладан, "University of California San Diego" (АҚШ, "QS" рейтингда 72-ўрин), "University Malaya" (Малайзия, 58-ўрин), "University of Hamburg" (Германия, 125-ўрин), "University of Freiburg" (Германия, 201-ўрин), "RWTH Aachen University" (Германия, 92-ўрин), "Beijing Institute of Technology" (Хитой, 259-ўрин), "Xi'an Jiaotong University" (Хитой, 295-ўрин), "Harbin Engineering University" (Хитой, 531-540-ўринлар оралиғи), "Sapienza University of Rome" (Италия, 128-ўрин), "City University of Hong Kong" (Гонконг, 73-ўрин) ҳамда "Kyushu University" (Япония, 171-ўрин) каби халқаро миқёсда тан олинган нуфузли университетлар билан таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш режалаштирилган.

Шунингдек, илмий-тадқиқот фаолияти бўйича халқаро ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, "Erasmus+", "Horizon Europe" ва бошқа нуфузли халқаро грант дастурларида фаол иштирок этиш, шунингдек, санаят ва бизнес тизимлари билан глобал шериклик муносабатлари кенгайтириш орқали таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, "TOP-1000" талик ва бошқа халқаро рейтинглар рўйхатига кирган университетда таҳсил олиш шунчаки "чиройли номли диплом" олиш дегани эмас. Бу — битирувчининг интеллектуал салоҳияти халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беришини аниқлашчи глобал сифат белгисидир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ишхотлар доирасида давлат бундай кадрларга "олтин фонд" сифатида қарайди. Жаҳон даражасидаги таълим сифати, замонавий лабораториялар билан ишлаш кўнимаси юқори бўлганлиги сабабли "TOP-1000" талик рўйхатидagi олий ўқув юртлирини таъминлаган талабалар меҳнат бозориде доим рақобатдан бир қадам олдинда юради. Дипломнинг синонвалсиз тан олиниши ва ишга киришда бериладиган моддий ҳамда мақомий имтиёзлар тизими уларнинг ўз соҳасида тезроқ етакчи (топ-менеджер) бўлиб етишишига замин яратаяди.

Сўнгги маълумотларга кўра, халқаро рейтингларда дунёнинг "TOP-1000" талик рўйхатига Ўзбекистоннинг 8 та университети киритилган. Ана шу маънода, буни Ўзбекистонда олий таълимнинг янги тарихий даври бошланиши деб айтишимиз мумкин. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **бу — янги Ренессанс сари қўйилган дадил қадамдир. Уни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун биздан изчиллик, янги ғоялар, узлуксиз изланиш ва тинимсиз меҳнат қилиш талаб этилади.**

Садриддин ТУРОБЖОНОВ,
Тошкент давлат техника университети
ректори,
академик.



ОРАДАН ЙИЛЛАР ЎТДИ...

Кейинги йилларда Қамчик довонидан ўтувчи йўллар хорижий ҳамкорлар билан биргаликда бутунлай қайта қурилди

1-6

Мамлакатимиз истиқло-
лининг 35 йиллик муаззам
байрами арафасида ушбу
темир йўл фойдаланишга
топширилганига ҳам 10 йил тўлди.

2013 йил бошида мазкур лойиҳани амалга
оширишга киришилди. Бу жараёнга “Ўзбекистон
темир йўллари” акциядорлик компанияси
тасарруфдаги, бунга қадар “Аср қурилиши”
деб ном олган, юксак тоғлар бағрида Тошғузор-
Бойсун-Қумқўрган магистраллини барпо этиб
тажриба тўплаган йўлсозлар ва кўприксоzлар
жалб этилди. Асосий мақсад — Фарғона водий-
си вилоятларини юртимиз ҳудуди бўйлаб
темир йўл ёрдамида мамлакат пойтахти билан
боғлаш, аҳолининг узогини яқин, мушкул-
лини осон этиш эди. Кўп сонли йўлсозлар, те-
мирийўлчилар ушбу вазифани адо этиш учун уч
йил тинимсиз меҳнат қилдилар. Энг замона-
вий, юқори қувватли техникалар жалб этилди.
Тоғ бағрида темир йўл қуриш ўзига хос меҳнат
ва машаққат талаб этиши табиий, чунки бу ер-
нинг иқлими анча оғир: қишда қор, совуқ, ҳатто
ёзда ҳам ёмғир кўп ёғади.

Мураккаб муҳандислик ечимига эга бўлган
лойиҳага кўра, тоғнинг баланд қоялари порт-
латилиб, тош ва бошқа жинслар қудратли ма-
шиналар ёрдамида олиб кетилди. Ишлар бир
вақтнинг ўзида Ангрэн ва Поп тумани ҳудуд-
ларида олиб борилди. Тез орада Тошкент ва
Наманган вилоятлари чегарасида, магистраль
бўйида кўркам “Орзу” бекати бунёд этилди.
Умуман, янги йўл бўйлаб учта замонавий вок-
зал, бешта станция тикланди. Улар атрофида
қатор инфратузилма объектлари, хизмат кўр-
сатиш марказлари, темирийўлчилар учун йў-
жайлар қурилди. Тоғ бағрида гўзал кошоналар
юз очди.

Кечагидек ёдимизда. 2013 йилнинг февраль
ойида Ўзбекистон телевидениесининг “Ах-
борот” дастури мухбирлари мазкур қурилиш-
дан репортаж тайёрлаш мақсадида илк бор
Қамчик довонига келди. Тоғ ёнбағирлари қалин
қор билан қопланган, ҳаво совуқ ва изги-
рин эди. Қурувчилар Ангрэн шаҳридан 10 км
олисиқда, тоғ бағридаги баландликларни те-
кислаш, йўл учун тупроқ тўшаб, жой ҳозирлаш
каби жараёнларни амалга оширишмоқда эди.
Кучли техникалар унум билан ишлатилмоқда.



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик ком-
панияси йўл ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи
Эркин Уматов мазкур лойиҳага кўра амалга
оширилиши режалаштирилган ишлар билан
бизни атрофликка таништирди.

— Йўл бўйлаб бир неча станция ва бекат-
лар, ўндан зиёд катта кўприклар бунёд эти-
лади, — деди суҳбатдошимиз. — Қурилишда
уч минг нафардан ортиқ йўлсозлар, темирийўл-
чилар, кўприксоzлар ва бошқа мутахассислар
меҳнат қилишади. Барча юмушлар 2016 йилга
қадар ниҳоясига етказилган ва мана шу тоғ-
лар оралаб қудратли поездлар ҳаракатлана
бошлайди.

Бу сўзларни тинглар эканмиз, тўғриси, ав-
валига кўнглимиздан бироз ишончсизлик ҳис-
лари ҳам ўтди.

— Бу ҳаммаси эмас, — сўзини давом эт-
тирди суҳбатдошимиз. — Тоғнинг ҳов анови бал-
анд қисми замонавий техникалар ёрдамида
ўйилиб, узунлиги 19 км дан зиёд ер ости тун-
нели ўтказилади.

Бу сўзларни тинглаб, ҳайратимиз янада орт-
ганди...

Биз деярли ҳар ойда мазкур қурилишда бў-
либ, юз бераётган ўзгаришлар билан танишиб,
лавҳа ва репортажлар тайёрладик. Ҳар бор-
ганимизда таассуротларимиз янада ортиб бо-
рарди. Иш кеча-ю кундуз тўхтовсиз олиб бо-
рилди.

2014 йил апрель ойида Қамчик довонидаги
хўшманзара тоғ бағрида жойлашган Кўсарой
қишлоғи атрофида олиб борилаётган ишлар
билан танишдик. Яқиндагина ёғиб ўтган ём-
ғирдан сўнг ҳаво очилиб, борлиқ ўзгача таро-
ват касб этган. Тоғ орасидан эсаётган майин
шаббода димоққа майсаларнинг хўшбўй ҳи-
дини олиб келиб уради. Шарқироқ тоғ дарёси
тошдан-тошга урилиб оқади, унинг шовқини

узоқларга таралади. Йўлсозлар тупроқ тўша-
ш жараёнини яқунлаб, текисланган майдонга пў-
лат излар ётқизишни бошлаб юборишди. Ерни
зичлайдиган кучли техникалар бу жараёнда
кўл келди. Оқшом тушунга қадар белгилан-
ган ерга темир йўллар ётқизиб бўлинди. Бу жа-
раёни суратга олиб, қурувчи ва механизатор-
лар билан мулоқот қилдик.

— Шундай улкан лойиҳани амалга оши-
ришда иштирок этаётганимиздан ғурурлана-
миз, — деди Анджон вилоятидан келган қу-
рувчи Исмоилдин Соҳибалиев. — Темир йўл
қуриб битказилгач, барча юклар ва йўловчилар
водийдан республикамизнинг бошқа ҳудудла-
рига темир йўл орқали етказилади. Биринчи-
дан, вақт тежалади, транспорт харажатлари
камаяди. Энг муҳими, фуқаролар водийдан
пойтахтга замонавий поездларда дам олиб,
роҳатланиб етиб оладилар. Афсуски, ҳозир
ёғинли кунларда тоғ орасидаги автомобиль йў-
лида ҳаракатланиш анча мураккаб. Қалин қор
тушганда машиналар ўта олмайдди, йўловчи-
лар бундан азият чекадилар. Темир йўл бит-
гач, бу муаммоларга бутунлай чек қўйилади.

Ҳақиқатан ҳам янги йўл водий вилоятлари
аҳолиси ва Қамчик довонидида истиқомат қи-
лувчи фуқаролар учун ҳам катта қулайликлар
яратди. Биз бу манзараларни тасвирга олиш
жараёнини яқунлаётган пайтда, икки набира-
сини етаклаб, бу ердаги қурилишлар билан та-
ништираётган бир кишига нигоҳимиз тушди. У
ўзини меҳнат фаҳрийси Тўроббой Жабборов
деб таништирди:

— Бундай улғувор ишларни ҳудудимизда
яшовчи аҳоли ҳали кўрмаган. Қурувчилар ке-
чаю кундуз бетўхтов иш олиб боришаётганини
ҳамқишлоқларимиз кузатиб туришибди. Ҳаде-
май қишлоғимиз ўртасидан поездлар ўтади. Бу
эса ҳамюртларимиз қалбига олам-олам қувонч
ва ғурур бағишлайди. Мен набираларимга
ана шулар ҳақида сўзлаб бердим. Нарироқда,
тоғ дарёси устида узунлиги 200, баландлиги
25 метрни ташкил этувчи улкан кўприк барпо
этилмоқда. Бунинг учун зарур бўлган темир-
бетон устунлар ва тўсинлар ўзимизнинг завод-
ларда тайёрлаб берилляпти.

Юқорида, довоннинг энг баланд қисмида
туннель қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Бу
жараён Хитойнинг жаҳонга машҳур “Туннель

биқ этишда Ўзбекистон мутахассислари билан
ҳамкорлик қилиш биз учун ҳам манфаатлидир.

— Ўзбекистоннинг табиати ниҳоятда гўзал,
одамлари меҳмондўст экан, — деб суҳбатга кў-
шилди хитойлик мутахассис Шчо Ляй. — Мен
яшайдиган провинция Хитойнинг энг сўлим,
табиати гўзал ҳудудларидан саналади. Суви-
миз тиниқ, табиатимиз ям-яшил, ҳаво тоза. Ле-
кин Ангрэн-Поп темир йўли қурилаётган мас-
кан ундан-да сўлим экан. Бу ернинг бетакрор
табиати, тоза ҳавоси, зилол суварни мени
ўзига мафтун этди. Ўзимни юртимдагидек ҳис
қилапман. Янги темир йўл битгач, бу маскан-
нинг серфайз табиатини, гўзал манзарасини
кўриш ва ундан баҳраманд бўлиш учун бутун
дунёдан сайёҳлар келишига ишонаман. Темир
йўлнинг икки томонида замонавий меҳмонхо-
налар, хизмат кўрсатиш масканлари қурилади,
кўплаб маҳаллий ёшлар иш билан таъминла-
нади. Ҳадемай бу ерларнинг қиёфаси бутун-
лай ўзгариб кетади. Ана шу янгилашилларда
менинг ҳам иштироким борлигидан фахрла-
ниб юраман. Мен бу ерда жуда кўплаб дўстлар
ортирдим. Янги темир йўл Ўзбекистон-Хитой
ҳамкорлиги тимсоли сифатида узоқ йиллар
халқингиз фаровонлиги ва мамлакатингиз та-
раққиётига хизмат қилади.

Баҳор тугаб, кунлар исий бошлади. Июнь
ойининг бошлариданоқ қуёш иссиқ пурқай
бошлади. Яна биз қурилишда бўлиб, амалга
оширилаётган ишлар, ўзгаришлар ҳақида кўр-
сатув тайёрладик. Иш давом этаётган пайтда
Шавкат Мирзиёев етакчилигидаги ҳукумат ко-
миссияси аъзолари қурилишнинг бориши бил-
ан танишаётганлигини кўрдик. Шавкат Миро-
монович ҳар ойда бу ерда бўлиб, жараёнларни
назорат қилар, юзгага келган муаммоларни зуд-
лик билан ҳал этишда амалий кўмак кўрса-
тарди. Бу, албатта, ишларни янада тезлашти-
ришда муҳим аҳамият касб этарди.

Навбатдаги хизмат сафаридида темир йўлнинг
Наманган вилояти Поп туманидаги қисмида бунёд-
қорлик ишларининг бориши билан таниш-
дик. Қамчик довонидан тушишингиз билан, чап
томонда Чодак қишлоғига элтувчи йўлга кўзин-
гиз тушади. 3-4 қақиримдан сўнг қуюқ дарахт-
зорлар, дала ва боғларга бурканган сўлим мас-
канга кириб келасиз. Қурилиш штаби айнан шу
ерда — қишлоқни иккига бўлиб, тошдан-тошга
урилиб оқаётган анҳор бўйида жойлашган. Бу
ернинг манзараси ниҳоятда гўзал ва бетакрор.
Ёзининг жазирасида ҳам ҳаво мўътадил ва
бироз салқин, муздек шаббода эсиб туради.
Тоғ бағридаги ҳар доим ям-яшил арчазорлар,
кўм-кўк майсалар билан қопланган кенгликлар
кишининг дилини яйратади.

Темир йўл қурилиши билан боғлиқ барча жа-
раёнлар, ишчи кучи, техника ва кадрлар билан
таъминлаш масалалари шу ерда ҳал этилади.
Ҳар оқшом қурилиш ташкилотлари раҳбар-
лари, лойиҳачилар ва мутахассислар бу ерда
тўпланиб, ишнинг боришини таҳлил қилишади.
Пайдо бўлган муаммоларни тезкор ечим чора-
лари қурилади. Биз бу ерда қурилиш раҳбар-
лари билан мулоқотда бўлдик, ишларнинг бо-
риши тўғрисида зарур маълумотларни олдик.

Сўнг юқорига, темир йўл бунёд этилаётган
баланд тоғлар бағрига йўл олдик. Машинамиз
эгри-бугри тоғ йўли бўйлаб, чанг ва тупроқни
бошига кўтарган ҳолда юксак тепаликлар сари
ўрмалайди. У ердаги “Меҳнат fronti”да иш
қизигандан-қизиган. Атрофни чангитиб иш-
лаётган қудратли техникаларнинг ҳайқирғи
борлиқни тўтган. Тоғ бағрини суриб, тупроқ ва
қаттиқ жинсларни автомобилларга ортаётган
экскаваторлар, тупроқни пастга олиб тушиб
кетаётган машиналарнинг охири кўринмайди.
Чап томонда эса қурувчилар тупроқни текис-
лаб, бўлғуси йўл учун жой ҳозирлашмоқда.
Махсус техникалар ёрдамида йўл ўзанини
шиббалаб мустаҳкамлашмоқда. Тасвирчимиз
зудлик билан бу манзараларни муҳрлашга ки-
ришиб кетди. Улкан машиналарда темир йўл
учун рельс ва шпаллар келтирилмоқда.

Йўлнинг тупроқ ишлари тугалланган қис-
мида пўлат изларни ётқизиш жараёни бош-

лаб юборилди. Қудратли кўтарма кранлар
рельсларни пешма-пеш текислаб, тайёрлан-
ган жойга жойлаштирмоқда. Йўлсозларнинг
қўли қўлига тегмайди. Бу ердан кўтарилаётган
чанг осмонга ўрлайди. Бульдозерчилар, экска-
ваторчилар, тупроқ ишлари билан банд бўл-
ган ишчилар, пўлат изларни зудлик билан ўз
ўрнига ётқизаётган темирийўлчилар билан му-



лоқотда бўлди. Кийимлари, юзларига чанг
ўтирган, лекин қарашларида шижоат ёғилиб
турган йўлсозлар ишларининг бориши, яратил-
ган шарт-шароитлар, оруз-ниятлари ҳақида
тўлқинланиб сўзлаб беришди.

Тушундикки, уларнинг барчасида кайфият
юқори, ниятлар муштарак, аҳдлари қатъий. У
ҳам бўлса — ушбу йирик лойиҳани белгилан-
ган муддатда амалга ошириш, давлатимиз ва
халқимиз учун зарур бўлган иншоотни ўз вақ-
тида қуриб битиришдир. Бунинг учун барча
зарур шароитлар яратилган. Қурилиш мате-
риаллари, темир-бетон устунлар, рельс ва
шпаллар ўз вақтида келтирилмоқда. Ишчилар,
қурувчилар шу ернинг ўзиди, махсус вагон-
чаларда яшаб, вахта усулида меҳнат қилиш-
моқда. Вагончалар ёнида эса каттагина май-
дон текисланган ва ёғоч девор билан ўралган.
Унинг ичиди кўма оҳсона ташкил этилган бў-
либ, бу ерда йўлсозлар учун кунига уч маҳал
иссиқ овқат тайёрланади. Озиқ-овқат ва кунда-
лик зарур буюмлар билан савдо қилувчи кўма
дўкан ҳам фаолият юратади.

— Темир йўл қурувчилари учун ҳамма им-
кониятлар мавжуд, — деди Ангрэн-Поп темир
йўли қурилиш бошқармаси бош муҳандиси
Шўҳрат Мустафақулов. — Бу эса ишларнинг
бир маромда олиб борилишини таъминла-
моқда. Маошлари ҳам ҳар ўн беш кунда бери-
лади, кайфиятлар юқори.

Бу ердаги суратга олиш жараёнини яқунлаб,
яна беш юз метр юқорига кўтарилаимиз. Мазкур
масканда ўзининг меъморий ечимига кўра Урта
Осиёда ягона бўлган маҳобатли кўприк бунёд
этилмоқда. Унинг узунлиги деярли уч юз, ба-
ландлиги эса 52 метрни ташкил этади; буни 18
қаватли уйга тенглаштириш мумкин. Яна бир
ноёб томони — иншоот ёйсимон шаклда бунёд
этилмоқда. Юз тонна юк кўтариш қувватига эга
бўлган кучли кўтарма кран ёрдамида оғирлиги
40-50 тоннага тенг темир-бетон устунлар жой-
лаштириляпти, унинг устига эса пўлат излар
ётқирилмоқда. Одамнинг ақли лоп бўлади. Қа-
ранг, инсон ақл-идроки ва меҳнати билан қан-
дай мўъжизалар яратиши мумкин!

Тоғ бағридаги илон изи йўл бўйлаб қурилиш
материаллари ортилган машиналар тепаликка
ўрмалайди. Олисдан улар гуғурт қутисиди
кўзга ташланади. Пастда тоғ дарёси пишқириб

оқади. Яқиндан кузатсангиз, жараён анча ваҳи-
мали туюлади, лекин кўприксоzлар учун бу од-
дий ҳолат. Уларни ишдан чалғитиб бўлмайди.
Шунинг учун ҳам асосий маълумотларни мута-
хассислар билан сўзлашиб, ёзиб оламиз. Ман-
зараларни тасвирга олишга берилиб кетиб,
қуёш ботаётганини ҳам пайқамай қолибмиз.

Кундузги сменада ишлар яқунланиб, қурув-



чилар пастга, вагонларга йўл олишди. Улар
билан танишиб, ишларнинг бориши, олдинда
турган режалардан хабардор бўламиз. Мам-
лакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан
келган қурувчилар, темирийўлчилар ва кўприк-
соzлар бир оила аъзоларидек аҳил меҳнат қи-
лаётганлари, қурилиш материаллари, зарур
жиҳозлар ўз вақтида келтирилаётгани, яшаш-
лари, овқатланишлари ва бўш вақтларини маз-
мунли ўтказишлари учун ҳамма шароитлар му-
ҳайё этилгани, руҳлари баланд эканлиги ҳа-
қида бир-бирларига сўз бермай, ишонч билан
гапириб беришди.

— Барча вагонларда телевизор, музлаткич-
лар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси ишларимиз-
нинг унумини таъминламоқда, — деди 67-“Кў-
прикқурилиш” отряди ишчиси Аъзамжон Кари-
мов. — Ҳали асосий ишлар олдинда. Балад
чўққилар портлатилиб, темир йўллар ётқи-
зилади. Ўйлаётганимиз, барча жараён кўнглидаги-
дек, юқори сифатда амалга оширилади. Биз
эса ана шундай оламшумул ишларда иштирок
этаётганимиздан фахрланамиз.

...Орадан йиллар ўтди. Бугун Қамчик дово-
нида бўлган кишининг нигоҳи турли хил халқ
ҳўжалиги юклари ортган, бағрига кўп сонли
йўловчиларни олган ва тоғ бағри бўйлаб жа-
дал ҳаракатланаётган юқори қувватли, замо-
навий поездларга тушади. Бу эса водий ҳу-
дудларида қурилиш, бунёдқорлик жараёнини
кучайтириш, кичик бизнес ва туризмини ри-
вожлантириш, муҳими — одамларнинг узог-
ини яқин, оғирини енгиллаштириш бароба-
рида халқнинг ҳаётдан рози бўлиб турмуш
кечиришига хизмат қилади.

Энди юртдошларимиз, хорижий меҳмонлар
қишининг ёғин-сочинли, совуқ кунларида ҳам
қиройили поездларда бу ернинг сўлим табиати,
бетакрор манзарасини вагон ойналаридан ку-
затиб, завқ олиб ўз манзилларига етиб олади-
лар. Амалга оширилган ушбу улғувор ишлар
жонажон Ватанимизнинг порлоқ истиқболига
хизмат қилмоқда. Бундан қувонмай, фахрлан-
май бўладими ахир...

Комилжон КАРИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист.



“АТИРГУЛ – 2026” РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

1-6

Танлов доирасида телевизион ва радиоматериаллар, босма ва интернет нашрларидаги журналистик чиқишлар, ижтимоий тармоқ лойиҳалари, суриштирув журналистикаси, фотожурналистика, ҳужжатли фильмлар ҳамда бошқа йўналишлар бўйича энг яхши ижодий ишлар сараланади. Шунингдек, “Энг яхши ёш журналист”, “Энг яхши ҳудудий журналистик материал”, “Жамоатчилик эътирофи” ва “Ҳакамлар ҳайъатининг махсус мукофоти” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланади.

Низомга кўра, танловда иштирок этиш учун номзодлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг ҳудудий бўлимлари, Уюшма ҳузуридаги Ижодий кенгашлар ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан тавсия этилади. Тавсияномалар 2026 йил 20 июлдан 20 августга қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари махсус диплом, эсдалик статуеткаси ва пул мукофоти билан тақдирланади. Тақдирлаш маросими Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллик байрами арафасида тантанали равишда ўтказилиши режалаштирилган.

“ҲИРОТГА, БОБОМНИНГ ҲУЗУРИГА!” КИТОБИ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Jadid” газетаси бўлим mudiri, истеъдодли ёш журналист Шахриёр Шавкатнинг “Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!” номли китоби тақдими ўтказилди.



Тадбирда таниқли ижодкорлар, адабиётшунослар ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар асарнинг Афғонистонга уюштирилган ижодий сафар таассуротлари асосида яратилгани, унда тарихий ва маданий мерос бадий-публицистик руҳда ёритилганини таъкидлаб, китобнинг адабий қиммати юқори баҳо бердилар.

Анжуманда Шахриёр Шавкатнинг замонавий ўзбек журналистикасига қўшаётган ҳиссаси муносиб эътироф этилди. Тақдимот самимий мулоқот руҳида ўтди.

НАЗИРА АС-САЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛИГИ НИШОНЛАНДИ

“Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси, “Олтин қалам” газетаси бош муҳаррири, таниқли публицист Назира ас-Салом таваллудининг 70 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вакиллари иштирок этиб, устоз журналистни муборақ юбилейи билан кутладилар. Шунингдек, унинг миллий журналистика ривожига қўшган ҳиссаси ва публицистика соҳасидаги кўп йиллик меҳнатлари алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда Назира ас-Саломнинг ижодий фаолияти ҳамда ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН НАВБАТДАГИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида телерадиоканаллар ходимлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда медиа соҳасини ривожлантириш, журналистлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.



Мулоқотда замонавий медиа муҳитидаги долзарб вазифалар, журналистларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳусусида фикр алмашилди. Шунингдек, телерадиоканаллар фаолиятини такомиллаштириш ва соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий тақдирлар билдирилди.

Таъкидланганидек, бундай очиқ мулоқотлар медиа соҳаси вакиллари ташаббусларини ўрганиш ва ахборот маконини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадбир якунида билдирилган тақдирларни умумлаштириш ва келгуси ислохотларда инобатга олиш белгиланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ТҶЙХАТ ЎРНИДА

ЕЛКАДАГИ ЮК ЗАЛВОРИ

ёхуд масъулият, маҳорат ва меҳр-окибат билан уйғун ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли адиб Ашурали ЖўРАЕВ ҳақида дил сўзларим



Аксарият касб ва ҳунар эгалари битта устоз қўлида тарбия топиш асносида ўз соҳасининг етук мутахассиси даражасига чиқиши мумкин. Аммо санъаткор, адиб ва журналист каби ижодкор аҳли учун устозларнинг кўп бўлгани яхши. Фаолиятда серқирралikka эришиш истаги шуни тақозо этади. Аҳамият берилса, улар ўзидан олдинги авлод вакилларига “устоз” деб мурожаат қилади. Бу бежиз эмас. Ёшлар ўзидан бир-икки қўйлақ кўпроқ тўзиган ижодкордан нимадир олиши мумкин ва олиши ҳам керак.

“Ижодкорни элга қалам танитади. Унинг обрў-эътибори, мансаби, мукофоти ҳам қалам. Худо ҳеч вақт қаламдан айирмасин”. Бу айни шу сифати билан халқ хурматини қозongan адиб Ашурали Жўраевнинг ўзи садоқат кўрсатиб келаётган қаламидан тўкилган дурдона битиклар жамланган “Саҳифага сиймаган сатрлар” китобидаги қайдлардан бири. Дарҳақиқат, эл таниган ижодкор борки, қўлидаги ана шу “қурол”ига содиқ қолгани учун ҳам бугун устозлик мақомига эришган.

Ашурали ака журналист, ёзувчи, санъатшунос сифатида кўпларнинг устози. Кимларгадир қандай ёзиш, мақолани қандай таҳрир қилиш ёки қайта устидан кўриб чиқиш, баён қилиш, имло ва услубий хатолар билан ишлаш, мақола сюжетини, композициясини, йўналишини, услубини такомиллаштириш бўйича бевосита сабоқ берган, ўрнатқан бўлган. Камина ҳам журналистика оламига кириб келган кезларни соҳамизнинг ўнлаб дарғалари қатори устознинг ёзганларини ўқиб, мутлола қилиб, озми-кўпми бу нарсаларни бевосита бўлмаса-да, билвосита ўрганганман.

Ашурали акани серқирра ва сермахсул ижодкор дегим келади. Негаки, унинг ижодида қамраб олинган йўналишлар кўламини анча кенг. Устознинг бадий асарлари ҳам ўзгача олам. Уларни мутлола қилиб завқланасиз, унинг ичига шўнғиб кетганингизни сезмай қоласиз. Воқеани китобхонга содда ва раван тилда, баъзида юмор орқали осон етказиш услуби ўзига хос. “Юрак бўронлари”, “Сенга кўнгил берсам”, “Виджон кўнгириғи”, “Саҳифага сиймаган сатрлар”, “Конверт одам” каби китобларини қайта-қайта ўқиш мумкин.

Ҳаётимизда шундай инсонлар бўлади, улар нафақат ўз касби билан, балки инсоний фазилатлари билан ҳам юксак ҳурмат қозонади. Бизнинг устоз ана шундай зиёлилардан — ижодкор, ёзувчи ва журналист сифатида нафақат қалам аҳли орасида, балки шоғирдлари қалбидан ҳам чуқур жой олган инсон. Ашурали Жўраевдан билвосита ўзлаштирган журналистика соҳасининг айрим сир-асрорлари ҳақида юқорида айтдим. Бевосита у кишидаги мен ўзимга юктиришга ҳаракат қилаётганим бир фазилати ҳақида ҳам гапирмасам бўлмас:

Бу — оқибат, одамийлик! Устоз оқибат кўрсатиш бўйича эталон. “Устоз-шоғирд” аънаъасининг содиқ ва беминнат давомчиси. Мақтовга берилиб кетганга йўлманг-у, устозларига қандай меҳри, эътибор ва оқибати баланд бўлса, шоғирдларига кўрсатадиган муруввати ҳам ундан кам эмаслигига кўп бор ғуво бўлганман.

Ашурали аканинг даврий матбуотда жамият муаммолари, санъат ва маданий ҳаётга оид ўткир мақола-

ларини ҳавас билан кузатиб, уни сирдан билган пайтларим мактабнинг юқори синфида ўқиётган давримга тўғри келади. Отам бошқа соҳа кишиси бўлса ҳам, менидан аввал у киши билан яқиндан таниш, ҳамфикр бўлган. Гап шундаки, утган асрининг 80-90-йиллари аксарият таҳририятлар ўз фаолиятини “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни билан ҳамкорликда олиб борган. Газета-журналларни чоп этиш жараёни билан боғлиқ қозғош, адад, нашрларни обуначи ёки сотувга етказиб бериш, раҳбарият ва ходимларга транспорт хизматини кўрсатиш ва бошқа айрим масалалар бевосита ушбу йирик матбаа корхонаси орқали амалга оширилган.

Отам — Қобилжон Маҳмудов узоқ йиллар “Шарқ” нашриётида ҳайдовчилик қилган. Турли таҳририят бош муҳаррирлари ва ўринбосарлари билан ишлаган. Китоб, газета ўқиш жону дили бўлгани, самимий фёлий билан кўпчилик қалам аҳлининг ҳурматини қозongan. Пенсия ёшига етганда меҳнат фахрийси мақомида нафақага чиққан. 1987-88 йиллар бўлса керак, бир кун “Тошбақалар пойгаси” деган унча қалин бўлмаган китоб кўтариб келдилар. Қарасам, Ашурали Жўраевнинг “Ҳурматли Қобил акага эзгу тилаклар билан муаллифдан”, деган дастхати ҳам бор. Китобчани катта қизиқиш билан ўқиб чиққан эдим.

Ашурали ака ҳар гал телефон орқали суҳбатлашсак ёки юзма-юз кўришган пайтларимиз, албатта, отам ҳақида яхши гаплар билан бирга ишлаган кезларини эслайди, соғлиқларини сўрайди, салом айтади. Мен ҳам у кишининг аввалги саломига жавобан отамнинг алик ва йўллаган дуоларини етказаман.

Устоз шундай — ҳар бир шоғирдига алоҳида эътибор билан ёндашади, уларни қўллаб-қувватлайди, илҳомлантиради. Нафақат унинг иши ва ижоди, ота-онасининг соғлиғи, фарзандларининг ўқиши билан қизиқади, балки оилавий қувонч ва ташвишларига шерик бўлади. Шунинг

учун ҳам бугун шоғирдлари турли соҳаларда фаолият юритиб, устознинг номи ва ўғилларини шараф билан давом эттириб, унинг юзини ёруғ қилиб келяпти.

Ашурали ака ўз ижод йўли давомида кўплаб мақола ва асарлар ёзиб, жамиятдаги муҳим масалаларни ёритиб келмоқда. Унинг ҳар бир битган сўзида чуқур маъно, ҳаётини тажриба ва инсонпарварлик руҳи мужассам. Ёзувчи сифатида у қалбларга йўл топа олган бўлса, журналист сифатида ҳақиқатни айтишдан ҳеч қачон чекинмайди. Зеро, журналист учун энг муҳим фазилат — ҳақиқатга, ҳақ сўзга содиқлик. Ашурали Жўраев ана шу таъойилга умр бўйи амал қилляпти.

Қаранг, унинг “Юрак бўронлари” ҳужжатли қиссаси 1989 йилда Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида эллик минг нусхада чоп этилган ва қисқа муддатда китобхонларнинг севилими асарига айланган эди. Кўпчилик яхши билади, унда ўзбек миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳаёти ва фожиали тақдири таъсирчан тасвирланган. Афсуски, 20-25 йиллар аввал буюк санъаткорга эътибор қандайдир сабаблар билан сусайди, соҳа вакиллари ва бир-икки фидойи қалам аҳлидан бошқа ҳеч ким катта истеъдод соҳибини эсламай, эътибор қаратмай қўйди.

2020 йилга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу кемтикка барҳам берди. Шу йил 2 декабрь кун “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор тўғрйли ҳақиқат яна юзага чиқди. Буюк санъаткорнинг ўлмас хотираси қайта тикланди. Узоқ йиллар унутилган фарзанд яна она Ватани бағрида қад ростлади: унга маҳобатли ҳайкал қўйилди. Ҳайкални эса мухлисларнинг меҳр ва соғинч гуллари буркади... Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти фаолият бошлади.

Халқимизнинг суюкли санъаткори Ботир Зокиров номи, аввало, таниқли адиб Ашурали Жўраевнинг “Юрак бўронлари” ҳужжатли қиссаси тўғрйли яна санъат мухлислари тили ва дилига тушди. Санъаткор таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан ёзувчи Ашурали Жўраев ушбу асарни қайта ишлаб, янги маълумотлар билан бойитиб, маърифий романига айлантирди.

Устоз Ашурали Жўраев Ботир Зокировнинг 50, 60, 70, 80 йилликлари нишонланмагани ҳақида куюниб гапирди. Президентимизнинг фидойилиғи, жасорати тўғрйли Ботир Зокировнинг ҳаёти ва ўлмас ижоди мангу ёруғликка чиққанидан болаларча қувонади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Журналистлар ҳамда Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фаол ва фидойи ижодкор Ашурали Жўраевдан ўрганадиган жиҳатларимиз ҳали жуда кўп. Унинг ижодий салоҳияти ҳали узоқ йиллар ўзининг тотли меваларини беришда давом этади ва барчамиз ўқувчи ҳамда китобхон интиқиб кутадиган, завқу шавқ билан мутлола қиладиган китоб ва мақолалар кўринишида ушбу мевалар мазасидан баҳраманд бўламиз. Устознинг елкасидаги масъулият, маҳорат ва меҳр-оқибат юки шуни тақозо этади.

Нодир МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ИННОВАЦИЯ ВА САМАРАДОРЛИК

АРХИВ ХИЗМАТЛАРИДА ШАФФОФЛИК ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНМОҚДА?

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат органлари фаолиятининг очиклиғи, шаффофлиғи ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада, айниқса, миллий тарихимиз, ўтмишимиз ва фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақомини белгилловчи ҳужжатларни сақловчи давлат архивлари томонидан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Архив хизматларининг шаффоф ва сифатли кўрсатилиши, тизимда бюрократияни қисқартириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш — бугунги кун талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 ноябрдаги “Архив иши соҳасини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларининг электрон шаклдаги архив ҳужжатларини сақлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2026 йил 30 июнда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг архив ҳужжатларини электрон шаклда сақлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 352-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан давлат органлари ва ташкилотларининг архив ҳужжатларини Ягона миллий архив ахборот тизимида электрон шаклда сақлаш тартиби тасдиқланди ҳамда архив ҳужжатлари ва улар ҳақидаги маълумотларни жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш жараёнларини комплекс автоматлаштириш, шунингдек,



архив ишини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун янги имкониятлар яратилди.

Илгари архивлардан бирор-бир маълумотнома, айниқса, иш стажини ёки иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатни олиш фуқаролардан ҳафталаб вақт ва ортиқча овораларчилик талаб этар эди. Бундай вазиятлар эса ўз-ўзидан тизимда сунъий тўсиқлар ва бюрократиянинг юзага келишига замин яратарди.

Бугунги кунда давлат архивлари томонидан хизматларни тўлиқ рақамлаштириш орқали инсон омили камайтирилиб, хизмат жараёнларининг тезкорлиғи ва шаффофлиғи таъминланмоқда. Фуқароларнинг эндиликда бевосита архив биносига боришлари шарт эмас. Давлат

хизматлари марказлари ва Ягона инте-рактив давлат хизматлари портали орқали масофадан туриб архив маълумотларини олиш имконияти яратилди. Бу тизим хизмат кўрсатиш мuddатларини кескин қисқартирди ва жараённинг бошидан охиригача шаффоф бўлишини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва идоравий ташкилотлардаги ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни рақамлаштиришга мўлжалланган “e-archive.uz” расмий ахборот тизимининг жорий этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Тадқиқот ишини олиб бораётган изланувчиларимиз узоқ масофадан турган ҳолда архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва хабардорлигини кучайтириш мақсадида архив соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда уларнинг натижалари ОАВ, расмий саҳифалар ва ижтимоий тармоқларда мунтазам равишда ёритиб борилмоқда. Бу чора-тадбирлар архив тизими самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда миллий архив меросини ишончли сақлашга хизмат қилади.

Коррупциянинг олдини олиш ва соҳа фаолиятини тўғри ташкил этишда архив муассасаларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва адлия органлари билан яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллий давлат органлари ва архивлар ўртасидаги қўғозбозликка чек қўйилиб, идораларо интеграциялашган тизимлар орқали маълумот алмашиш йўлга қўйилган. Бу эса турли сохта ҳужжатлар тайёрланиши ёки маълумотларнинг яширилиши каби хавфларнинг олдини олмақда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, архив соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар фақатгина ҳужжатларни сақлаш билан чекланиб қолмай, балки халққа хизмат қилишининг мутлақо янги, шаффоф моделини яратмоқда. Бюрократиянинг қисқартирилиши, рақамли технологияларнинг жорий этилиши ҳамда давлат органлари билан ҳамкорликдаги тадбирлар тизимини коррупциядан холи, сифатли ва ишончли соҳага айлантиришга хизмат қилмоқда. Архивлар — бу шунчаки ўтмиш хазинаси эмас, балки фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи шаффоф кўприқдир.

Саида ШЕРБОЕВА,
Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари
миллий архиви бўлим mudiri.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“Agrobank”ning 6 ойлик асосий кўрсаткичлари

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги “Agrobank” учун барқарор ўсиш ва муҳим натижалар даври бўлди. Ҳисобот даврида миқдорлар базаси кенгайди, рақамли хизматлардан фойдаланувчилар сони сезиларли ошди, омонатлар ҳажми юқори суръатларда ўсди.



1,2 млн нафарга ошди. Бугунги кунда уларнинг сони 4 млн.га етди.

Қулай, замонавий, тезкор омонатлар



“Agrobank”даги омонатлар ҳажми 78 фоизга ўсиб, 43 трлн 266 млрд сўмни ташкил этди.

Шундан:
22 трлн 138 млрд сўм аҳоли омонатлари;
21 трлн 128 млрд сўм юридик шахслар депозитлари.

Банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, кредитлаш йўналишлари ва халқаро пул ўтказмалари бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Асосий молиявий кўрсаткичлар

Банкнинг асосий молиявий кўрсаткичларида барқарор ўсиш кузатилди.

Банк активлари 24 фоизга ошди;
Кредит портфели 23 фоизга ошди.

Кредитлаш

2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Agrobank” томонидан 1 трлн 972 млрд сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

Бу 2025 йилнинг шу даврига нисбатан 66 фоизга кўп.

Микроқарзлар ҳажми 131 фоизга ошиб, 4 трлн 31 млрд сўмга етди.

“Chakana.uz” орқали молиялаштириш ҳажми 3 баравардан ортиқ ўсди.

Халқаро пул ўтказмалари

2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Agrobank” орқали жами 1,1 млрд АҚШ доллари миқдоридан халқаро пул ўтказмалари қабул қилинди.



“Agrobank” “PCAF” халқаро ташаббусига қўшилди

“Agrobank” молиявий фаолият билан боғлиқ иссиқхона газлари чиқиндиларини ҳисоблаш ва ошкор қилиш бўйича халқаро “PCAF” ташкилотининг аъзосига айланди.

“PCAF” бугунги кунда дунё бўйлаб 750 дан ортиқ молия институтини бирлаштиради. Аъзолик “Agrobank”ка халқаро методологиялар, техник ресурслар ва ўқув дастурларидан фойдаланиш имконини беради.

Бу қадам банкнинг яшил молия йўналишида амалга ошираётган ишларининг давомидир. “Agrobank” аввал ҳам яшил евробондларни жойлаштирган, “GGGI” билан “Green Finance Framework” дастурини ишлаб чиққан ҳамда “PCAF” методологиясидан ўз ҳисоботларида фойдаланган.

Мазкур аъзолик “Agrobank”нинг экологик масъулият, шаффофлик ва барқарор ривожланиш йўналишидаги фаолиятини янада мустаҳкамлайди.

Реклама ҳуқуқи асосида.

“Agrobank” — ҳар ким ўсишга қодир!

ҲУНАРМАНДЧИЛИК



Ипак жилосидаги қадриятлар

Камалакнинг етти ранги гўё ипларга сингиб, нафис матога айлانгандай гўё. Атлас ва адрасга боққан инсоннинг кўз олдига ранглар жилоси, нозик нақшлар ва халқимизнинг юксак диди намоён бўлади. Ҳар бир толаси меҳнат билан йўрилган, ҳар бир нақши асрлар давомида сайқал топган бу матолар нафақат миллий либосларимизга кўрк бағишлайди, балки халқимизнинг бой маданий мероси ва хунармандчилик анъаналарини ҳам ўзида мужассам этади.

Бир қарашда енгилгина шамолда жилваланиб турган атлас ёки адрас ортида қанчалар машаққатли меҳнат, қанча сабр ва маҳорат ётганини ҳар ким ҳам англайвермайди. Бунинг гувоҳи бўлиш учун Марғилон шаҳридаги хунармандлар марказига ташриф буюришнинг ўзи кифоя. Бу ерда оддий ипак толасининг босқичма-босқич ишлов берилиб, жилотор атлас ва адрасга айланиш жараёнини кўриш инсонда хунармандлар меҳнатига нисбатан янада юксак ҳурмат уй-



ғатади.

Энг эътиборли жиҳати шундаки, ушбу қадимий хунар бугунги кунда ҳам ёшлар томонидан юксак қизиқиш билан давом эттирилмоқда. Айни вақтда марказда иш қизгин. Кимдир ипларни тайёрласа, яна кимдир бўяш ёки тўқиш ишларини бажаради. Ҳар бир уста ўз ишига меҳр билан ёндашиши туфайли оддий ипак нафис ва бетакрор атлас ҳамда адрасга айланади.

Гулбаҳор Эрназарова ҳам

ушбу марказда фаолият юртиб, қўлдўкон дастгоҳида атласу адрас матоларини тўқиш билан шуғулланади. Асосан, қўл меҳнати, сабр ва маҳорат сабаб бугунги кунга қадар Гулбаҳор кўп-кўп миллий матоларни тўқиб келмоқда. Хусусан, атлас, адрас, беқасам, банорас, шойи, аъло бахмал каби яна бошқа миллий матоларни ўзгача маҳорат, дид ва гўзал дунёқараши ила тўқиб келаётган ёш тўқувчи аёл севган ишига, касбига бўлган муҳаббати

сабаб бугун ўз фаолиятида яхши натижаларга эришиб келмоқда.

— Бу ерда ишлаётганимга 6 йил бўлган бўлса-да, шу вақт давомида устозлардан атлас ва миллий матоларни тўқиш бўйича кўп билимларни ўргандим. Тўқув дастгоҳига ўтирар эканмиз, елкамизда юксак масъулият борлигини ҳис этаман, — деди Гулбаҳор Эрназарова биз билан суҳбатда.

— Асосийси, меҳнатсеварлик, фидойилик, шижоат ва касбга бўлган садоқатим туфайли бугун тўқув ишларини амалга ошириб келмоқдаман. Жамоамиз аёллари жуда иноқ. Бир-бирларига иш, хунар ўргатишдан чарчашмайди. Доимо бир-бирларига ёрдам беришади. Улар билан бир оиладек бўлиб кетганмиз. Ишим уйимга яқинлиги фаолиятимни қийналмай олиб боришимда асқатмоқда. Оилам, фарзандларим ва аҳил жамоам борлиги бу менинг бахтимдир.

Убайдулло Миртозоев 20 ёшда. У ҳам ушбу марказда фаолият юритади. Айни вақтда

ёш хунарманд йигит бу ерда атлас матосига гул териш вазифасини бажаради. — Матога гул теришда, аввало, чаққонлик, кўл ҳаракатларининг фаоллиги, меҳнатсеварлик, ғайрат ва юксак сабр-тоқат талаб этилади, — деди ёш хунарманд йигит. — Чунки мато гуллариининг шакли нотўғри бериб юборилса, атлас нақшлари бир-бирига мос тушмай қолиши мумкин. Шунинг учун жуда эътиборли бўлишга ҳаракат қиламан. Асосийси, ишимни яхши кўраман. Қўлимда хунарим бор. Шу фаолият турим бўйича келажақда яхши шогирдлар чиқариш ниятидаман.

Дарҳақиқат, бугун миллий хунармандчилигимизни асраш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида тўқимачилик саноати янада раванқ топмоқда. Бу эса нафақат маданий меросимизни сақлаш, балки ёш авлодни касб-хунарга йўналтириш, меҳнат бандлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фотима МАНСУРОВА.

АДАБИЙ КЎПРИК

ТУРКСОЙ – ТУРКИЙ ДИЛЛАРНИ ТУТАШТИРГАН ИЛДИЗ



Адабиёт чегара билмайди, унинг учун масофалар улчами дахлсиз. Унинг кучи мозий ва келажакни боғлайдиган, дилларни ва йўллари бирлаштирадиган даражада қудратли.

Адабиёт — барча даврларда халқлар ўртасидаги дўстлики, сиёсий ва маданий муносабатларни янада мустаҳкамловчи кўприк бўлиб хизмат қилган.

Бугунги қардош мамлакатлар ўртасидаги ўзаро борди-келди алоқалар, қўшничилик муносабатларининг янада яқинлашувида ҳам унинг ўрни асосий мезон сифатида қаралапти.

Яқин йилликлар оралигида тили ва дили бир-бирига яқин, илдизи бир қардош мамлакатлар ўртасидаги адабий алоқалар тизими янада ривожланди.

Қардош халқлар адабиётидан бир-бирига таржима китобларнинг салмоғи ва саноғи ошди. Халқаро адабий тадбирларнинг кўлами янада кенгайди.

Юқоридаги фикрларимнинг тасдиғи сифатида Туркий — халқаро туркий маданият ташкилоти томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг ўрни бекиёс.

Ташкилот туркий халқлар ёзувчилари, шоирлари ва таржимонларини мунтазам бир майдонга жамлаяпти, айниқса, ёш ижодкорларнинг ўзаро танишувлари ва ижодий ҳамкорликлари учун йўл очиб берапти.

Ташкилотнинг навбатдаги тадбири ҳам кўтаринки руҳда, гўзал таассуротларга бой бўлди.

Шу йилнинг 16-17 июль кунлари Озарбайжоннинг маданий пойтахти Шуша шаҳрида Туркий дунё ёш шоирларининг II фестивали ўтказилди. Анжуманда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркия, Туркменистон давлатларидан йигирмадан ортиқ ижодкорлар қатнашди.

Ушбу тадбирда юртимиздан вакил сифатида тўрт ижодкор — Ислом Али, яъни мен ва Мадина Норчаева ҳамда Аллаёр Дарменовлар иштирок этди.

Ассалом, Озарбайжон!

Боку аэропортида истеъдодли шоир ака-миз Шухрат Орифин учрашиб қолдик. У фестивалга фахрий меҳмон сифатида таклиф этилган экан. Ватандошларимиз гуруҳи яна биттага кўпайгани ҳаммамизни хурсанд қилди. Аэропортдан чиқишда бизни ташкилотчилар томонидан тайинланган ҳайдовчи ака-миз самимий кутиб олди. Ҳазил-мутойибалар билан Боку марказидаги “Марриот” меҳмонхонасига етиб бордик. Барчамизнинг кўнглимизда бир олам завқу шавқ, ҳайрат. Машинадан тушишимиз билан юзимизга намчил ва хушбўй ҳаво урилди.

“Ака, денгизнинг хидини қаранг, роса ёқимли экан. Меҳмонхонага яқин, шекилли”,

— деди Мадина.

Шухрат Орифининг “Сал нарида денгиз бор” деган гапидан сўнг осмон билан туташётган тўлқинларни кузатиш иштиёқи кўнглимга тинчлик бермади. Шухрат ака меҳмонхонада рўйхатга олиш ишларини тутатгунга қадар биз сабр қилмасдан ташқарига ошдик. Меҳмонхонанинг орқа томонидан чамаси икки юз метр юргач, Каспий денгизи бошланди. Соҳил бўйлаб қурилган Боку бульварининг адоғи кўринмайди. Шамол кучли. Беш-олти чағалай бошимиз узра чарх урар, бу ҳолат хайратинизга тагин завқ улашарди. Сувнинг юзиде ёғ (нефть) қалқиб турибди. Анча вақтгача сув бўйида суҳбатлашдик, эсдалик учун суратларга тушдик.

Меҳмонхонага жойлашгач, бирин-кетин бошқа қардош мамлакатлар делегациялари келишди. Гарчи улар билан биринчи марта кўришаётган бўлсак-да, кўп йиллик танишлардек саломлашдик. Барчанинг кўнглида қардошлик туйғулари жўш уриб, зумда минг йиллик қадрдонларга айландик. Кечки таомдан сўнг соҳил бўйида расмий танишув тадбири ўтказилди. Туркий ташкилоти раҳбари Султон Раев билан кечган суҳбатлар самимий ва эсда қоларли бўлди. Туркий халқларнинг улуг шоирлари, ёзувчилари, арбоблари эсланди.

Шундан сўнг биз Оқ шаҳарни сайр қилишга ошдик. Боқунинг энг қадимий маскани — “Ички шаҳар” кўчаларини кездик. Бу кўчада тарихий иншоотлар жуда кўп экан. Йўлақлар бўйлаб кезарканмиз, тарихий ва ўз ҳолича сақлаб қолingan баланд бир минора эътиборимизни тортди. Минора “Қирққиз қалъаси” деб номланар экан. У билан боғлиқ машҳур афсонага кўра, қирқ нафар қиз душманлардан ҳимояланиш учун шу қалъадан паноҳ топан. Шу боис унга “Қирққиз қалъаси” номи берилган экан. Кўча охирида машҳур “Бриллиант кўл” фильми суратга олинган жой. Бу йўлак халқ тилида “Чёрт побери” деган машҳур ибора билан аталади. Зиёратгоҳлар, дўконлар, тошли йўлақлар, қадимий ашёлар — барча-барчаси Ички шаҳар кўчаларига ўзгача зеб бериб турарди.

Шушага уланган шеърият йўли

Эрталаб Озарбайжоннинг маданият шаҳри Шушага йўлга чиқдик. Йўл-йўлакай автобусда кўшиқлар айтилди, ижодий суҳбатлар давом этди. Кайфият барчада кўтаринки. Қорабоғнинг осмонўпар тоғлари бўйлаб ястаниб ётган яшиллик руҳимизга хузуру бағишлайди. Гоҳ ойнадан табиатнинг гўзаллигини томоша қиламиз, гоҳ кўнглида тўғилган ажиб туйғуларни сатрларга айлантирамиз. Туркменистонлик ижодкор дўстим Карим Ҳаллиев китобидан, Гараханжар оға Туркменистон миллий дўпласидан совға қилди. Биз ҳам совға улашимиз бо-биде бўш келмадик. “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”

журналларидан, ўзбекистонлик шоир ва ёзувчиларнинг китобларидан улашдик. Қозоқ қардошимиз Кундуз Жубаева йўл-йўлакай шеърларимиздан таржима қилибди. Мана шундай хурсандчиликлар билан Шушага етиб келдик.

Ижроларнинг тили фарқ қилса-да, оҳанглар кўнглига яқин. Барчасида туркий элатларнинг тарихи, маданияти садо беради. Мушоира ва адабий гурунглари қизигандан-қизиб, вақтни ҳам унутдик. Чиройли давра, самимий тилақлар, ўтти ва гулдурас шеърлар, соҳир кўшиқлар... Шушадаги кунимиз мана шундай гўзал таассуротлар билан якунланди.

Вокиф шеърият фестивали

Эрталаб “Вокиф шеърият кунлари” фестивалида иштирок этиш учун Ағдам шаҳрига жўнадик. Фестивални Турксий ташкилоти раиси Султон Раев очиб берди. Фестивалда мезбон мамлакатдан Нодир Ризали, Камол Хусейнозада, Турал Балабейли, қозоғистонлик Алия Инкарбек, Кундуз Жубаева, Нуртйлеу Қодиркул, Едилбек Дуисенов, Мақсат Дауилбай, Қирғизистондан Мелис Маматжан ўғли, Ирисгул Изатова, Мақсат Жангазиев, юртимиз вакиллари сифатида Мадина Норчаева, Аллаёр Дарменов, Туркиядан Эмре Демир, Мелике Явузай, Умит Чичекчи ҳамда туркменистонлик Гараханжар Байханов, Карим Ҳаллиев, Юсуп Мередов сингари тенгдошларимиз иштирок этишди. Ташкилот раҳбари Султон Раевнинг ижодимга бўлган фикрлари ва эътирофи менга янада кўп берди.

Фестивалдан сўнг Шухрат Орифининг озар тилида нашр этилган “Maktubdir ömrüm” китоби тақдими ўтказилди. Ижодкорларга муаллифнинг китоблари тарқатилди. Шундан сўнг Шушага қайтиб, Қорабоғ хонининг вазира, шоир Мулла Паноҳ Вокиф қабрини зиёрат қилдик. Маҳаллий аҳоли ва меҳмон ижодкорлар учун маданий концерт дастури ўтказилди. Хонандалар ижросида Қорабоғ тарихини, маданиятини улуғловчи кўшиқлар куйланди. Фестиваль иштирокчилари тақдирланди. Ташкилотчилар томонидан ўзбек шеърияти эътирофи этилди.

Қорабоғнинг жароҳатлари

Бир давра суҳбатиде озарбайжонлик шоир Интиқом Яшар шундай деди:

“Озар шеъриятининг сўнги ўттиз йиллиги Қорабоғга аталди. Эътибор қаратсангиз, вайроналарга аскарларимиз исмларини ёзишган. Булар шунчаки ёзув эмас, булар Қорабоғнинг исмлари, булар Ватаннинг исмлари”. Қорабоғда қайта қурилиш ишлари бўляпти экан. Замонавий бинолар қад ростлаяпти. Бироқ урушнинг асоратлари, вайроналар, қулф осилган эгасиз уйлар, очик қолган қаровсиз ҳовлилар, бўм-бўш кўчалар кўнглини хира қилади. Қорабоғнинг тарихий жойларини яна айландик. Шоирларга, бас-такорларга қўйилган ҳайкалларни кузатарканман, кўнглим беҳузур бўлди. Ўққа тутилган ҳайкалларнинг бадани илма-тешик. Минораларнинг мунгли ва хароба қиёфаси урушдан қолган жароҳатларга айлانган. Чўлқалъа маҳалласида жойлашган “Хон қизи бўлоғи” бордик. Булоқ Қорабоғ хонлигининг сўнги ҳукмдори Меҳдиқлихоннинг қизи, машҳур шоира Хуршидбону Нотавон ташаббуси билан барпо этилган экан. Шоиранинг булоқ деворларига туширилган сатрлари ҳам ўчиб кетибди...

“Шарқ юлдузи” ва “Ёшлик” журналлари сайёҳлар нигоҳида

Бокуга қайтиб, биринчи меҳмонхонага қайта жойлашдик. Ўзбекистондан олиб борилган журналлар ва китобларнинг ярми турибди. Гуруҳимиз билан маслаҳатлашиб, олишга улгурмаган ижодкорларга улашадиган бўлдик. Залда қардошларимизга журналларимизни таърифлаб турган вақтимиз меҳмонхона ходими келди. Унинг нигоҳларидан адабиёт қизиқиши сезилиб турарди. Дилфуза опа берган иккита журналдан кейин қувониб, миннатдорлик изҳор қилди. Кузатиб турсам, тўғри бориб меҳмонхонанинг матбуот бурча-гига тахланган нашрлар қаторига қўшди. Жавон ёнида уч-тўрт чоғли инглиз, ҳинд сайёҳлари журнал варақлашяпти.

Дилфуза опа менга юзланиб: “Қаранг, Исломжон, журналларимизни дунё ўқийдиган бўлди”, деди.

Мен жавоб қайтардим: “Туркий халқлар адабиёти дунёни бирлаштирмақда, опа”.

Сафаримиз қариди. Юртга қайтдик. Самолётимиз ҳавога кўтариларкан, барчамизнинг кўнглимиздан бир ҳис кечарди. Барчамизнинг нигоҳимиздан Озарбайжонни, Қорабоғни, Шушани қайта соғинаётганимиз сезилиб турарди. Кўз олдимда гўзал хотиралар тасмаси қайта айланди. Лекин она юртимизга қайтиш янада ёқимли эди...

Ислом А.П.

УЧРАШУВ



МУҚАДДАС ОПАНИНГ ИЖОДИЙ ОЛАМИ

Яқинда биз ўзгача ҳаяжон ва эҳтиром билан бир даврага жам бўлдик. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона маркази ҳамда Олмасор туманидаги “Қуёш” маҳалласи кутубхонаси ҳамкорлигида ажойиб ижодий кеча ўтказилди. Ушбу тадбир серқирра фаолияти ва маданиятимиз ривожига қўшган бекиёс ҳиссаси билан халқимиз ардоғига сазовор бўлган ижодкор — Ўзбекистонда хизмат қўсатган маданият ходими, “Дўстлик” ордени ва биринчи даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони соҳибаси ҳамда “Олтин қалам” миллий мукофоти совриндори Муқаддас Абдусаматова ижодига бағишланди.

Маънавий-маърифий кечада Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона маркази жамоаси, пойтахтимизнинг 10 та туманидаги ахборот-кутубхона марказлари раҳбарлари, М.Абдусаматованинг яқинлари, касбдошлари ва шогирдлари иштирок этишди. Шунингдек, тадбирда Олмасор тумани “Қуёш” маҳалласи кутубхонасининг фаол китобхонлари, “Нуроний” жамғармасининг Олмасор туман бўлими ва маънавият бўлими вакиллари, маҳалла фаоллари, таниқли ёзувчи ва шоирлар ҳамда ОАВ ходимлари қатнашдилар.

Ҳар бир инсон умри — бир дoston, бир саҳифа. Аммо шундай умрлар борки, улар жамият маънавияти ва маданиятига ёруғ нур олиб кириб, мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳаёт йўлини чин маънода “саодатли умр” деб аташ мумкин. Ушбу маънавий-маърифий кеча айнан шундай сермахсул ижодий умр эгаси — Муқаддас Абдусаматова фаолиятига бағишланди.

Муқаддас опа Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топан. Унинг умр саҳифалари илк даврлардан бошлаб илмга чанқоқлик ва сўзга мухаббат билан йўғрилди. 1960 йили пойтахтдаги 22-ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаган Муқаддас Абдусаматова олий таълимни Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультети кечки журналистика бўлимида давом эттирди. Бу давр у кишининг келгуси ижодий фаолияти учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Ижодкорнинг меҳнат фаолияти 1966 йилдан бошланган бўлиб, у ўзбек журналистикасининг йirik вакилларидан бири сифатида салмоқли ишларни амалга оширди. “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасининг адабиёт ва санъат бўлимида адабий ходим сифатида иш бошлаган Муқаддас опа қарийб 30 йилдан ортиқ вақт давомида ушбу газетда меҳнат қилди, ўзбек журналистикаси ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг устозлигида неча юзлаб ижодкор ёшларнинг қалами чарқланди, асарлари кенг жамоатчиликка етказилди.

Муқаддас Абдусаматованинг “Умр лаҳзалари”, “Оналик бахти”, “Фазилатим — фозилалигим”, “Умр — илға терилган маржон”, “Шўқрона”, “Сайланма”, “Орта қолган излар”, “Шўқроқ туйғулар”, “Оила муқаддас”, “Бунча ширинсан, ҳаёт!” каби қатор шеърый ва насрий китоблари нашр этилиб, кенг китобхоналар оммасининг меҳрини қозongan. Ушбу асарлар инсон руҳиятининг энг нозик қирраларини, она Ватанга мухаббатни, оила муқаддаслиги ва инсоний фазилатларни теран тараннум этиши билан алоҳида ажралиб туради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Китобга бўлган мухаббат — маъ-

навий қамолотнинг энг муҳим пойдевори, у ҳар қандай ривожланишнинг асоси ҳисобланади”. Айнан шу пойдеворни мустаҳкамлашда, маърифатли жамиятни барпо этишда кутубхоналар, хусусан, маҳалла кутубхоналари энг муҳим бўгин вазифасини ўтайди. Бу масканлар ёшларимизнинг дунёқарашини кенгайтириб, уларга чуқур билим бериш билан бирга, миллий қадриятларимизни, ўзбекона одоб-ахлоқни ҳам сингдиради.

Маҳалла кутубхонаси — бу бирлик масканидир. У ерда турли авлод вакиллари бир даврада жам бўлиб, китоб ҳақида суҳбатлашади, фикр алмашади, ўзаро тажриба улашади. Бу эса ўз-ўзидан маҳалла ҳаётини янада жонлантиради, иноқ ва аҳил муҳитни шакллантиради. Бундай зиё масканлари фаолиятини жонлантиришда М.Абдусаматова каби фидойи ижодкорларимизнинг ҳам ўрни бекиёс.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи Г.Йўлчиева, “Нуроний” жамғармаси Олмасор тумани бўлими раиси М.Мирпўлатов, Ўзбекистонда хизмат қўсатган журналист Шухрат Жабборов, Ўзбекистонда хизмат қўсатган маданият ходими Гулнеҳра Умарова аёл нафақат оила фазои ва фарзанд тарбиячиси, балки жамиятнинг маънавият қўзғуси эканлигини таъкидладилар. Айниқса, Муқаддас опа каби ўз ижоди билан минглаб диллар маънавиятини бойитган, сўз санъати гулшанида ўз ўрнига эга ижодкор аёлларимиз фаҳримиз ва ғуруримиз эканлиги, уларнинг ҳар бир асарида Ватан туйғуси, инсоний қадриятлар ва бегубор меҳр тараннум этилиб, она ерга чексиз садоқат ва аёлиқ латифоти барқ уриб туришини алоҳида эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, китобсиз жамиятда тараққиёт ҳам, маънавият ҳам бўлмайди. Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бир даврада Муқаддас Абдусаматова каби маърифат тарғиботчиларининг хизматлари бекиёсдир. Зеро, устоз ўз шеърларидан берида ёзганидек:

*Китоб – қалба бергувчи садо,
Рухимизга бахш этар ҳаёт.
Унда яшар ҳикмат ва даво,
Нур йўлига бошлар бепойн.*

Дарҳақиқат, Муқаддас опанинг ижодий оламига назар ташлар экансиз, ундаги самимийлик ва ҳаётийлик ҳар қандай ўқувчини ўзига ром этади. Шоира лирик қаҳрамонининг тилидан тўкилган мана бу сатрларини тинланг-а:

*Ҳар бир сатримда яшайди умид,
Ҳар бир сўзимда Ватан ифори.
Кўнглим дарёсини халқимга бердим,
Эзгу дуоларни устимга қийдим.
Яшадим дунёда фидойи бўлиб,
Сатрлар бағрида мангу тирилиб.*

Самимий дил изҳорлари бу! Шундай, устоз Муқаддас Абдусаматованинг ҳар бир сўзидан Ватан ифори келади, ҳар бир сатрида инсонларга бўлган чексиз меҳр ашайди. Маънавий-маърифий кечада биз мана шу муъжизакор ижод йўлига биргаликда саёҳат қилиш билан бирга, устознинг ўзларидан ҳикматли сўзларини тинглаб, дилимизни нурга тўлдириш имконига эга бўлдик.

Хафиза ҚАРИМОВА,
Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона маркази директори,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD).



